ГРАФИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Камолитдин Абдуҳакимович Зойиров
Жиззах давлат педагогика университети доценти
педагогика фанлари номзоди
kamoliddin.60@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу ишда график таълим жараёнини лойиҳалаш технологияси ҳақида фикр юритилиб, педагогик вазифани англаш, жараённи олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш, моделлаштириш, фараз қилиш, фикрий эксперимент, экстраколяция каби олдиндан кўра билишнинг турли методлари ойдинлатирилган. Шунингдек, таълимий жараённи олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш, таълим мазмунини ҳамда ўқув маълумотини лойиҳалаш технологиялари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: таълим мазмуни, технологик ёндошув, таълимий жараённи олдиндан кўра билиш, лойиҳалаш технологияси.

ABSTRACT

This work discusses the technology of designing a graphic educational process, explains various methods of foresight, such as understanding the pedagogical task, anticipating and designing the process, modeling, hypothesising, thought experiment, extrapolation. It also discusses technologies for anticipating and designing the educational process, designing the content of education and educational information.

Keywords: educational content, technological approach, anticipating the educational process, design technology.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, “... ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш”[1]лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, махсус фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Биз бу илмий мақолада таълим жараёнини самарали ташкил этиш жараёнига замонавий технологик ёндошув асосида график таълим жараёнини лойиҳалаш технологияси ҳақида сўз юритамиз.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари мутафаккир ҳамда илғор педагогларнинг диққат эътиборини тортиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ян Амос Коменский, Д.К Ушинский, Абдулла Авлоний, ва бошқа алломалар томонидан ишлаб чиқилган.

НАТИЖАЛАР

График таълим жараёнини лойиҳалаш. Лойиҳалаш таълимий жараённи ташкил этиш ва муваффақиятли ўтишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, фаолиятни таҳлил қилиш, уни олдиндин кўра билиш ва режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Педагогик вазифани ҳал этишнинг бу босқичида ўзининг ва таълим олувчи фаолиятининг мазмуни, воситалари ва дастурларини лойиҳалашга нисбатан мустақил йўналтирилган бир-бири билан узвий алоқада бўлган ўқитувчи фаолиятини кўрсатиш мумкин. Шунга кўра таълим жараёнини лойиҳалаш технологиясини **мазмунни лойиҳалаш технологияси** (лойиҳа – мазмун- фаолияти), **моддий ёки моддийлашган воситаларни лойиҳалаш** (лойиҳалаш - моддий) ва **фаолиятни лойиҳалаш** (лойиҳалаш-оператив) технологиялар бирлиги сифатида намоён бўлади. Бу уч хил лойиҳалар ўз предметига кўра фарқланади. Уларнинг ҳар бирида педагог томонидан бирма-бир амалга ошириладиган ташҳис қўйиш билан якунланадиган **таҳлилий фаолият**; **олдиндан кўра билиш** ва **лойиҳалаш** -ижодий фаолиятларига ажратилади. Таҳлил, олдиндан кўра билиш ва лойиҳа - ҳар қандай педагогик вазифани ечишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларни ҳал этишнинг самарадорлиги лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ, яъни, лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда конспект-режа, конспект сифатида қайд этилган ёки этилмаганлиги бундан мустасно.

Таълим жараёнини лойиҳалаш технологияси педагог фаолиятига, педагогик воситаларни ишлатиш мазмуни ва имкониятига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. У асосан таълим олувчиларга, таълим олувчилар гуруҳи ва ҳар бирига алоҳида (индивидуал) фаолиятига қаратилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Таълимий вазифаларни англаш, маълумотлар таҳлили ва педагогик ташҳис қўйиш. Таълимни ижтимоий- педагогик мақсадларга таянган ҳолда, педагогик жараённинг умумий стратегиясини ташкил этади ва таълим олувчилар, ўқитувчилар учун

керакли бўлган ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмаларда намоён бўлади.

Таълимий мақсадлар аниқ таълимий вазиятларга таянган ҳолда, таълимий жараёнга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида англаниши керак. Педагог ижодий жараёнида турли педагогик вазифалар бирдан ёки бирин-кетин англаниши керак. Аввало, педагог фаолиятининг умумий вазифалари бўлиши керак, яъни, якуний ҳисобда ижодий жараённинг барча деталларини яхлит концепция сифатида аниқлаш керак. Сўнгра шахснинг шаклланишида аниқ босқични ифодалайдиган педагогик фаолият билан боғлиқ босқичли педагогик вазифа сифатида аниқланиши керак. Охирида эса, педагогик жараённинг ҳар бир кичик элементида доимий вужудга келадиган вазиятли (хусусий) педагогик вазифалар пайдо бўлиши тушунилади.

Таълимий вазифани англаш - уни самарали ҳал этишнинг шартидир. Агар педагогик вазифа англанмаса, унда уни ҳал этиш ҳам мумкин эмас. Эндигина касбий фаолиятга қадам қўйган ўқитувчилар тажрибасизлигидан педагогик вазифани англаш, қўйиш босқичини белгилаш малакасига эга бўлмайдилар. Улар буни ўзларича дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар ва хатога йўл қўядилар.

Таълимий вазифани англаш маълумотлар таҳлили ва ташҳис қўйишни белгилайди. Маълумотлар таҳлили вазият жойини аниқлашдан ташқари, бутун педагогик жараёнда тарбиячи, тарбияланувчи ва улар ўртасидаги муносабат мазмуни; педагогик жараёнда амалга ошириладиган таълим мазмуни, мавжуд восита ва шароитлар каби асосий таркибий қисмларни аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Маълумотлар таҳлили педагогик жараён ҳолатини, ўқув-тарбия жамоасини ва алоҳида тарбияланувчилар ҳолатини аниқ вазиятларда режали ўрганиш каби кўпгина илмий далиллар билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг бари биргаликда педагогик ташҳис қўйиш, яъни, исботланган илмий маълумотларга таянган амалий ҳаракатлар асосини ташкил этади. Амалий педагогикада ташҳис дегани педагогик жараённинг умумий ҳолати ёки унинг таркибий қисмларини ҳар томонлама яхлит текшириш орқали баҳолашдан иборат.

Таълимий жараённи олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш. Таълим олувчи шахсини ҳар томонлама билиш, гуруҳнинг хусусиятларини жамоа сифатида билиш, аниқ педагогик вазиятларда маълумотларни таҳлил этиш педагогик ташҳиснинг асосини ташкил этадики, улар таълим жараёнини лойиҳалашнинг кейинги муҳим босқичини - таълимий жараённи олдиндан кўра билиш имконини яратади,

у эса педагогик мақсадга олиб келади. У мақсадларнинг асосланган ташҳисли вазифасини қўйиш имконини беради. Шахснинг ривожланиши таълим мақсадлари билан бир хил бўлгандагина педагогикада “боласизлик”нинг олдини олиш шартидир. Буни шундай тушунтириш мумкин, яъни, мақсад педагогик тизимни тизимлаштирувчи омил сифатида кечиб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этади. Ташҳис қўйиш тарбия, мақсад ва вазифаларини ҳал этишнинг умумий талаби ҳисобланади. У мақсадларнинг аниқлиги, бир хиллиги, уларни бажариш усуллари, ўлчаш ва баҳо беришни билдиради. Агар ташҳис мақсади талаблари бажарилмаган бўлса, у ҳолда “мақсад” элементи педагогик тизимни такомиллаштириш учун тизимлилик қила олмайди.

Педагогик олдиндан кўра билиш илмий асосланган низом ва методларни илмий исботлашга таянган объект ҳақидаги маълумотни олдиндан билиш жараёни сифатида белгиланади. Бунда объект сифатида гуруҳ, талаба, билим, муносабат ва ҳакозалар юзага чиқади.

Ўқитувчи мукаммал ўзлаштириши керак бўлган **олдиндан кўра билиш методлари** турли-тумандир. Улар **моделлаштириш, фараз қилиш, фикрий эксперимент, экстраколяция** ва бошқалар.

Изланувчи ва меъёрий олдиндан кўра билишни фарқлаш лозим. Изланувчи олдиндан кўра билиш объектнинг бўлажак ҳолатини, унинг ривожланиши ва ташқи шароитларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга бевосита йўналтирилган. Меъёрий олдиндан кўра билиш берилган объектнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, берилган ҳолатга эришишнинг самарали йўлларини излаб топишни билдиради. Таълимий жараённи лойиҳалаштиришда бу иккиси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Олдиндан кўра билиш натижасига эришишнинг мавжуд йўллари педагог фикран амалга оширадиган педагогик вазифаларни ҳал этишнинг самарали усулларини фараз қилишдир.

Ўқитувчи фаолиятидаги олдиндан кўра билиш инсон қобилиятининг мақсадга эришиш йўлида натижалар беради. Педагогик фаолият мақсади (эришиш йўллари мураккаблигига қарамасдан) - бу ҳали амалга ошмаган фаолиятнинг моделлаштирилган натижаси, у онгда педагогик жараённинг реал миқдорий ва сифат ўзгаришларини, унинг алоҳида таркибий қисмларининг лойиҳаси бўлиб англанади. Педагогик вазифалар турига, уларнинг вақт сифатига қараб олдиндан кўра билиш, стратегик, тактик ва тезкор турларга бўлинади.

Педагогик олдиндан кўра билиш мақсадга интилувчанлик билан боғлиқ ҳолда педагогик вазифаларни аниқлаштиришнинг ва уларни педагогик вазифалар тизимига

йўналтиришнинг сўнгги натижаси бўлади. Бунда педагогик вазифанинг аниқ ўқув материали сифатида моддийлашуви юзага келади, бунда педагогик ташҳис берадиган маълумотлар, яъни, шахс ва жамоа қўшимча имкониятлари ва тайёргарлиги ҳисобга олиниши керак. Илмий асосланган олдиндан кўра билиш натижаси сифатида, педагогик вазифа педагог ва таълим олувчи фаолиятининг мазмун, мотивация ва тезкор томонларини синтез қилади. Педагог педагогик вазифани аввало, ўзи учун шакллантиради, кейингина таълим олувчиларга юзланади ва уни ҳал этишга жалб қилади.

Педагог томонидан ўтказилган малакали олдиндан кўра билиш ва мақсадга интилувчанлик **таълим жараёнини таълимий лойиҳалаш**нинг асосини ташкил этади. Таълимий лойиҳалашниинг педагогик вазифаси яхлит ҳолда ҳал этиб амалга оширишда мазмун, ташкилий - методик, моддий - техник, ижтимоий - психологик (ҳиссий, коммуникатив ва ҳоказо) расмийлаштирилади.

Таълим мазмунини лойиҳалаш. Таълимий жараённи лойиҳалаш босқичида педагог дуч келадиган биринчи муаммо - бу унинг **мазмунини лойиҳалаш**. Ўқув дастури ва таълим олувчи таълим мазмуни лойиҳаси ҳисобланиб, ўқитувчи бунда педагогик фаолият, мақсад ва шароитларга мувофиқ ҳолда таълим олувчиларга нимани тақдим этиш ҳақида мустақил қарор қабул қилади.

Бундан **ўқув маълумотини лойиҳалаш технологияси** - педагог қарорларни ўрнатилган меъёрларда чекланган тизим шароитида қабул қилиш жараёни, бунда таълим олувчилар берилаётган маълумотда нимани ва қандай ҳажмда ўзлаштириши кераклиги; таълим олувчилар дастлабки тайёргарлик даражаси ўқув маълумотини қабул қилиши; ўқитувчининг ўзини, таълим муассасасининг имкониятлари ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқув маълумотининг топшириладиган, тақдим этиладиган ва ўзлаштирилган турларини кўрсатиш мумкин [2].

Технологик муносабатда ўқув материали ва унинг тузилиши муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этишда “дидактик материал” ва “ўқув материали” тушунчалари моҳиятини фарқлай олиш зарур. Дидактик материал, Г.А. Балл нуқтаи назарига кўра, - бу шундай объектлар тизимидан иборатки, уларнинг ҳар бири моддий ёки моддийлашган модел сифатида ижтимоий билим ва тажрибадан келиб чиқиб ишлатилади[3].

Ўқув материали - бу шундай идеал материаллар тизимики, дидактик материалнинг моддий ва моддийлашган моделларида акс этади. Ва ўқув фаолиятида ишлатиш учун мўлжалланган.

Модомики, ўқув фаолияти ўқув вазифаларини ҳал этиш жараёни сифатида қаралар экан, табиийки, ўқув вазифаси ўқув материалининг бўлиниш бирлиги бўлади. Шу билан бирга ўқув материалини педагогик томондан мақсадга йўналиш тизими деб қараш мумкин. Бундан келиб чиқадики, ўқув вазифаси тизимининг қурилиши ўқитувчи фаолиятининг ўқув материалини лойиҳалаш ва дидактик материални ишлаб чиқишда асосини ташкил этади.

Ўқув жараёнини лойиҳалашнинг мазмунини англаш учун М.А.Данилов[4] томонидан биринчи марта исботланган **ўқув жараёни мантиқий муаммоси**га мурожаат қилиш керак. У бу жараённи уч томондан кўриб чиқади: таълим жараёнини бутун курсини такомиллаштиришнинг асоси сифатида; маълум мавзу билан чекланган ўқув жараёни мантиғи сифатида . М.А.Даниловнинг ўзаро боғланган мантиқлари ва вақт бўйича белгиланган педагогик вазифалар турлари ўртасида параллел ўтказиш мумкинки, у худди педагогик вазифа ва ўқув жараёни “бўғини” ўртасидаги тенг муносабатга ўхшайди.

Таълимий жараённи ижодий лойиҳалаш асослари. Тажрибалар таҳлили кўрсатишича, ўқув - тарбия жараёнини лойиҳалаш мураккаблиги шундан иборатки, бу уни ишлаб чиқиш учун камида иккита: чекловлар ва кўрсатмалар гуруҳлари ҳисобга олиниши лозим. Таълим мазмуни **илмийлик ва амалий аҳамият талаблари**ни тўлдириши, ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ ташкил этилиши лозим[6]. Бундан ташқари, ушбу мазмунини қабул қилиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси мос келиши лозим, яъни уларга нима мураккаб ва нима учун, ўқув фанини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни қандай бартараф этиш мумкинлигини аниқлаб олиш шарт.

МУҲОКАМА.

Бундан келиб чиқадики, **лойиҳалаш технологиясида** ишлаб чиқаришда асосий масала қилиб таълим олувчиларни, уларнинг эҳтиёжларини маълум таълим босқичида ўқув машғулотига тайёрлашни, уларни ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини асосий нуқталари деб олсагина педагог муваффақият қозонади.

Олий, тизимли моделлаштириш даражасидаги педагогларда лойиҳаловчи, яъни, узоқ давомли технологиялар асосий ўрин эгаллайди. Репродуктив мослаштирилган ва ўша жойга хос (локал) - моделлаштирувчи педагогларнинг кескин фарқи шундаки, яхлит фан эмас, балки дарс технологияси, яхлит педагогик жараён эмас балки тарбиявий тадбир асосий ўринда туради.

Агар педагогнинг фаолияти таълим олувчининг талабларига яъни, охирги мақсадларига қаратилган бўлса, унда у яхлит педагогик жараённи ҳамда алоҳида ўқув

машғулотлар ва тарбиявий тадбирларни лойиҳалашда қийинчиликка учрамайди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, таълим жараёнини лойиҳалаш технологиясини график таълим жараёнига қўллаш асосида, ижобий якуний натижаларга эришган педагог дастурда кўзда тутилган аниқ мазмундан четга чиқмайди ва унинг асосида ўзининг шахсий фаолият дастурини яратади, бунда таълим олувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши керак бўлган график билимлар, ўқув курсининг асосий таянч тушунчалари, ўқув ахборотларни ўзлаштириш психологиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашни амалга оширади.

АДАБИЁТЛАР

1.Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. /Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847- сон фармонига илова. Тошкент. 2019.

2.Кузьмина Н.В. Методы исследования образовательных систем : монография / Российская академия образования, Ленинградский государственный университет им. А. С. Пушкина [и др.]. — Санкт-Петербург : Изд-во НУ «Центр стратегических исследований», 2018. — 162 с. — ISBN 978-5-98994-080-6. Ё

3. Балл Г.А., Мединцев В.А. Теоретико-множественный метод описания процессов и его применение в психологии: монография. – Київ: Педагогічна думка, 2016. 88 с.

4.Данилов М.А. Теоретические основы и методы фундаментальных педагогических исследований. — М., 1972.

5.Голиш Л.В. Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: Иқтисодиёт, 2011. -2008 б.

6.Зойиров, К. А., & Махмудов, А. А. (2023). Интенсификация графической подготовки будущего архитектора с применением компьютерной технологии в контексте современности. Academic Research in Educational Ciences, 4(2), 44–51. https://doi.org/